

UDK 37.02

**ОБРАЗОВАНИЕ РЕБЕНКА В ПАНДЕМИЧЕСКОМ
СОСТОЯНИИ**

Зокирова Дилфузаксон

Старший преподаватель кафедры педагогики ФерГУ

Аннотация: В статье рассматриваются особенности образования ориентированного на личность ребенка.

Ключевые слова: инновационное образование, речь и общение, социально-эмоциональное, моторика, образование ориентированное на личность ребенка

**EDUCATION FOR THE CHILD IN A PANDEMIC
CONDITION**

Zokirova Dilfuzaxon

Teacher of the department of pedagogy of FerSU

Annotation: The article provides examples of the specifics of child-centered learning and how cognitive development of children depends on the innovative environment.

Key words: innovative education, speech and communication, social-emotional, motor, child-centered learning.

Мамлакатимиз ҳамда бутун дунёда рўй берадиган пандемия, инсон капиталининг қийматини янада ошириди. Мехнат бозорида кенг, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун шахсни, кичик болалик ёшидан замонавий билимларни эгаллашига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан таълим-тарбияга қаратилаётган эътибор барча педагогларнинг ўз устида ишлиши, тинмай изланиш олиб бориши ҳамда ўқув жараёнини замон талаблари даражасида, илмий асосда ташкил этишлари учун зарурый шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда, таълим-тарбия соҳасига ёш мутахассисларнинг келиб қўшилишига имконият яратмоқда, бу эса ўз навбатида таълим-тарбия муассасаси педагогларнинг

олдига янада янги вазифалар қўяди. Жаҳон глабал тармоқда оммавий онлайн таълимнинг самарадорлигини ошириш, кам маблағ ажратиб, қисқа муддатларда юқори натижаларга эришиш учун маълум бир маънода, ярим йиллик тажриба тўплади. Оммавий онлайн таълимнинг энг кўп мурожаат қилинаётган тармоғи бу тил ўрганиш, чет тилларида қисқа муддатда сўзлашиш, мулоқотга киришишни оптималлаштириш масаласи саналади.

Шуни таъкидлаш жоизки, пандемик шараоитда таълим олишнинг авзалликлари билан қатор камчиликлари ҳам учрайди. Бунда таълим оловчининг кучли мотивацияга эга бўлмаслиги, қайтар алоқанинг сунъийлиги, кўплаб вазиятда ўқувчининг лоқайд, кўр-кўrona ҳаракати жамоа тарбиясининг сустлашуви кабилар намоён бўлади. Таълимда жонли мулоқотнинг устуворлиги сезилади. Бироқ жаҳон миқиёсидаги пандемия, ўз ўзини яккалаш принципи асосида онлайн билим олишни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бунда албатта бола шахсига йўналтирилган таълимни жорий этиш жоиздир.

Маълумки, бола шахсига йўналтирилган таълим асосида - шахс, унинг ўзига хослиги, ўша ўзига хосликдан келиб чиқсан холда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва ривожлантириш масаласи ётади. Шу билан бирга шахсга нафақат билим ва тарбия бериш, балки унинг турли ҳаётий вазиятларда онгли ва масъулиятли қарор қабул қила олиш малакасини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай таълим шаклининг яна бир устунлиги бола шахси кимнингдир истак ва хоҳишига кўра эмас, ўз имкониятлари ва индивидуал хусусиятларига кўра шаклланади. Бола шахсига йўналтирилган таълимнинг ғоялари қуидагиларда намоён бўлади:

- таълим умуминсоний қадриятлардан келиб чиқсан холда муайян жамият маънавияти билан мослашувга асосланади;
- таълимнинг мақсади ўз “Мен”ига, шу билан бирга умуминсоний қадриятлар тизимиға эга шахсни шакллантириш ва ривожлантириш;

- шахс камолоти тўлақонли, яъни онг ва туйғулар, рух ва тан бирлиги тарзида амалга оширилади;

- таълим жараёнида шахснинг барча хукуқлари, шу билан бирга таълим мазмунини танлаш хуқуқи ҳам ҳимояланади;

- муассасада гурух иши индивидуал иш билан биргаликда олиб борилади ва бунда бола фаолиятининг ўзига хос услуби шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади;

- таълим шахс фаолияти тури сифатида ички асосга эга, тарбиячи ва тарбияланувчининг тенг муносабатлари ва ҳамкорликда қарор қабул қилишларига таянади;

- энг яхши таълим расмий бошқарувга эмас, балки меҳр, эътибор ва ҳамкорликка таянган таълимдир.

Бола шахсига йўналтирилган таълимни мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиш муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки бола шахсининг шаклланиши, ижтимоийлашуви ва муҳим ҳаётий кўнишка ва малакаларини ривожланиши айнан мактабгача таълим ёшига тўғри келади.

Аввало муассасада бола шахсига йўналтирилган таълимни ривожлантирувчи муҳитни яратиш аҳамиятлидир.

Муҳит мактабгача таълим муассасаларида болани ўраб турган, унинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган ҳамма нарсаларни, шу жумладан, биноларнинг режалаштирилиши ва ўлчамлари, ҳовлидаги ўйин майдончаси, гуруҳдаги мебель, материаллар, жиҳозлар, ўйинчоқларни ўз ичига олади. Бола шахсига йўналтирилган таълимда мактабгача таълим муассасаси муҳитида болаларнинг когнитив (ақлий), нутқ ва мулоқотчанлик, ижтимоий-ҳиссий ҳамда жисмоний мотор ривожланишига шароит яратилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Боланинг ривожланишига шароит нафақат гурух хоналарида, балки муассаса ҳовлисида, йўлакларида, ўйин майдончаларида ҳам яратилган

бўлиши шарт. Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув муҳити таълим-тарбия жараёнида боланинг ёши, психологик, физиологик хусусиятларини тўлик ҳисобга олган ҳолда энг қулай шарт-шароитларни таъминлашга хизмат қилади.

Бола шахсиага йўналтирилган таълимни ташкил этишда тарбиячилар қуидаги тамойилларга амал қилишлари керак бўлади:

- бола шахсининг ривожланиш қонуниятларини мукаммал тушуниш;
- ўйин ва таълимий фаолиятлар болаларни мунтазам кузатиш;
- боланинг қизиқиши ва эҳтиёжларига жавоб берадиган индивидуал ва гурӯҳий ривожлантириш таълимий фаолиятларини режалаштириш;
- ўзгарувчан ва эгилувчан ўқув муҳитини яратиш;
- болаларни ҳурмат қилиш ва диққат билан уларнинг фикр, ғоя ва мақсадларига эътибор қаратиш;
- болалар ўз муаммолари ва ўзаро муаммоларини ўзлари ҳал этиб, бир-бирларига ҳурматда бўлишларига кўмаклашиш;
- болаларнинг тафаккур ва фикрлаш жараёнини ривожлантириш учун саволлар бериш;

Бола шахсиага йўналтирилган таълимни ташкил этиш учун амалий ёндашувда мазкур йўл йўриқларни инобатга олиш муҳим деб ҳисблаймиз:

- бола шахсиага йўналтирилган таълимда аввало шахснинг биологик эҳтиёж ва имкониятларини инобатга олиш зарур.

- бу ёш даврида болалар билимни ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киришиш ва фаол ҳаётий тажрибалар ўтказиш орқали эгаллайдилар.

- тарбиячи боланинг ота-онаси ва тенгдошлари билан яхши ривожланишига туртки бериши ва кейинчалик мустақил бўлишини таъминлаши, қўллаб қувватлаш, йўналтириш, билим олиш ҳамда ривожланишга чорлаши зарур.

- ташкил этилган ўйинлар болага кашф қилиш, тажриба ўтказиш ва мотивация уйғотиши имкониятини бериши керак.

- муассасадаги мұхит болаларнинг ўрганишга қизиқишиларини оширадиган даражага етказилиши мүхимдир. Бунинг натижасыда болаларнинг қизиқувчанлиги, эътибори ва ўзини бошқара олиши ривожланади.

Хулоса қилиб айтганда бола шахсига йўналтирилган таълимнинг устуворлиги шундаки, бунда шахснинг такомиллашувига илк болалик давриданоқ қадам қўйилади, шахс педагогик жараённинг обьекти эмас, субъекти сифатида кўрилади, таълим тизимининг мақсади фақат шахс камолотига қаратилади, ҳамма бола бирдек истеъодди дея қаралади ва олий инсоний қадриятлар ва сифатларни (мехр-оқибат, инсонпарварлик, ўз кучига нисбатан ишонч, меҳнатсеварлик, изланувчанлик) шакллантириш имкониятлари очилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Дудченко В.С. Инновационная игра как метод исследования и развития органах. М., 1982.
- 2.Хомерики О.Г. Инновации в практике обучения. Педагогика, - 1993. №2.
3. Farxodjonova N. F., Abdurahimov V. A. MODERN TECHNOLOGIES OF STUDENTS TRAINING IN HIGHER EDUCATION //НАУКА И ТЕХНИКА. МИРОВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ. – 2020. – С. 5-7.
4. Sodirjonov, M. M. (2020). EDUCATION AS THE MOST IMPORTANT FACTOR OF HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT. Theoretical & Applied Science, (4), 901-905.
5. Farxodjonova N. F. Problemi primeneniya innovatsionnix texnologiy v obrazovatel'nom protsesse na mejdunarodnom urovne. Mejdunarodnaya konferentsiya. Innovatsionnie tendentsii, sotsial'no-ekonomicheskie i pravovie problemi vzaimodeystviya v mejdunarodnom prostranstve. – 2016.
6. Numonjonov S. D. Innovative methods of professional training //ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81). – 2020. – С. 747-750.